

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Yo'lqurilish” АЖ

ягона акциядорининг

2021 йил “ 3 ” *май* даги

5 – сонли Қарори

15-илова

**“YO'LQURILISH” АЖДА
АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА
АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР ТУЗИШ
ТАРТИБИ**

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Жамиятнинг аффилланган шахслари
- III. Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобини юритиш
- IV. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузиладиган битимлари
- V. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш
- VI. Жамиятнинг аффилланган шахслари ва Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимлари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш
- VII. Аффилланган шахсларнинг рўйхатларини ва Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимлари бўйича ҳужжатларни сақлаш
- VIII. Жавобгарлик
- IX. Якуний қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу “Yo’lqurilish” АЖ аффилланган шахсларининг ҳисобини юритиш ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш Тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Корпоратив бошқарув кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари, “Yo’lqurilish” АЖнинг (кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Тартиб Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобини юритиш қоидаларини, Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимлар тузишга бўлган талабларни, шунингдек аффилланган шахслар ва Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш қоидаларини белгилайди.

3. Ушбу Тартиб Жамиятда, шу жумладан Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузишда ички назоратнинг самарали тизимини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

II. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ

4. Бевосита ва (ёки) билвосита (бошқа жисмоний ва (ёки) юридик шахслар орқали) қарорлар белгилашга ёки уларнинг Жамият томонидан қабул қилинишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек қарорлар қабул қилинишида Жамиятга шундай таъсир кўрсатадиган юридик шахслар Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланади.

5. Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ, Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

6. Қуйидагилар Жамиятнинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

а) Жамиятнинг 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

б) Жамиятнинг 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу жисмоний шахснинг вакили;

в) Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари;

г) Жамият Бошқарув раисининг ёхуд Бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

д) Жамият қайси юридик шахс устав капиталининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

е) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

ж) Жамият шўъба хўжалик жамиятининг шўъба ва тобе хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

з) Юридик шахс устав капиталининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилиш билан бирга Жамиятимиз устав капиталининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қиладиган юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

и) Жамият Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айна бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

к) Жамият Бошқарув раиси ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айна бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

л) яқин қариндошлари билан биргаликда Жамият Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

м) Жамият Бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

н) Жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

7. Жамият ягона акциядорининг аффилиланган шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шаклига асосан (АЖ, МЧЖ, ҚМЖ, тўлиқ шериклик, коммандит шериклик, унитар корхона, давлат корхонаси, нотижорат ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари) аниқланади.

8. Қуйидагилар Жамият (Жамиятимизнинг аффилиланган шахси бўлган) Кузатув кенгашининг аъзоси ва ижроия органининг аъзоси бўлган жисмоний шахснинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади:

а) Жамият Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг ушбу аъзоси ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг 20 (йигирма) фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс, шу жумладан ишончли бошқарувчи ва ушбу юридик шахснинг вакили;

б) Жамият Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг ушбу аъзоси ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс Кузатув кенгашининг

аъзолари бўлса, ўша юридик шахс;

в) Жамият Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг ушбу аъзоси ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланадиган бошқа юридик шахсларнинг аффилиланган шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб белгиланади.

III. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобини олиб бориш

9. Қонуннинг 105-моддасига мувофиқ Жамият ўзининг аффилиланган шахслари ҳисобини юритиши шарт.

10. Жамият ўзининг аффилиланган шахслари ҳисобини Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатини тузиш ва олиб бориш йўли билан ушбу Тартибнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ юритади.

11. Жамият ижроия органи раҳбарининг буйруғи билан тайинланадиган Жамият ходими (кейинги ўринларда – Жамиятнинг ваколатли шахси) ёки вазифасига корпоратив муносабатларни юритиш қиладиган Жамиятнинг тузилмавий бўлинмаси (кейинги ўринларда – Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси) аффилиланган шахслар ҳисобини юритиш учун масъул ҳисобланади.

Аффилиланган шахсларнинг рўйхатини тузиш

12. Қуйидагилар аффилиланган шахслар рўйхатини тузиш учун асос бўлади:

- жамият аффилиланган шахсларининг билдириши;
- аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафи ёзма билдириши;
- инвесторларнинг (ягона акциядорнинг) Жамият акцияларини олиш тўғрисидаги билдириши;

Жамиятга келиб тушадиган ҳужжатлар (ягона акциядор қарори, Кузатув кенгаши мажлисларининг баённомалари, Тафтиш комиссиясининг хулосалари, Ички аудит хизматининг ҳисоботлари ва бошқалар);

Жамият томонидан тузиладиган ҳужжатлар (устав капиталларида Жамият иштирок этадиган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари, бухгалтерлик ҳисоби ҳужжатлари ва бошқалар).

13. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси ягона акциядор қарори асосида Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини белгилайди.

14. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли

тузилмавий бўлинмаси ягона акциядор қарори ва/ёки Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси асосида Жамиятимиз Бошқарув (Жамият коллегиял ижроия органи) Раисининг ва Бошқарув аъзоларинининг ваколатларини амалга оширувчи шахсни белгилайди.

15. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамиятимиз ҳаммуассис ҳисобланадиган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари ва бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари асосида қуйидагиларни белгилайди:

Жамият устав капиталининг 20 (йигирма) фоизига эгалик қиладиган (Жамият ягона акциядори) юридик шахсларни;

Жамият устав капиталининг 20 (йигирма) фоиздан ортиғига эгалик қиладиган Жамиятнинг тобе хўжалик жамиятлари - юридик шахсларни;

устав капиталининг устувор улуши (50%дан ортиғи) Жамиятга тегишли бўлган Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятлари - юридик шахсларни.

16. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси 14-15-бандларда кўрсатилган маълумотлар асосида Жамият аффилиланган шахсларининг дастлабки рўйхатини тузади.

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси дастлабки рўйхат тузилгандан кейин ушбу рўйхатга киритилган шахсларга уларнинг Жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатига уларнинг аффилиланганлик асосини кўрсатган холда кирганлиги тўғрисида тегишли билдириш ва Жамият аффилиланган шахсларининг дастлабки рўйхатини аниқлаш ва тўлдириш мақсадида қўшимча ахборот тақдим этиш ҳақида сўров юборади.

Сўров шунингдек, Жамият бошқа юридик шахснинг шўъба хўжалик жамияти ҳисобланган тақдирда, Жамиятнинг бош (юқори) ташкилотига, агар Жамият хўжалик бирлашмаси таркибига кирган тақдирда, хўжалик бирлашмасига юборилади.

17. Жамият аффилиланган шахсларининг дастлабки рўйхатини аниқлаш ва тўлдириш учун дастлабки рўйхатга киритилган аффилиланган шахслар Жамиятнинг сўрови асосида Жамиятнинг бош (юқори) ташкилотига ва Жамият таркибига кирган хўжалик бирлашмасига қуйидаги ахборотни тақдим этиши шарт:

Жамиятнинг ягона акциядори ягона акциядор ёки иштирокчи ҳисобланадиган (20 ва ундан ортиқ фоиз) юридик шахсларнинг рўйхатини тақдим этиши шарт (Қонуннинг 85-моддаси, 6-банди);

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қуйидагиларни тақдим этиши шарт (Қонуннинг 85-моддаси, 7- ва 9-бандлар):

а) яқин қариндошлари билан биргаликда Жамият Кузатув кенгашининг камида 1/3 (учдан бир) қисмини ташкил этувчи шахслар шу билан биргаликда Кузатув кенгаши таркибининг камида 1/3 (учдан бир) қисмини

ташкил этадиган юридик шахслар рўйхати;

б) яқин қариндошлари билан биргаликда Жамият Кузатув кенгаши таркибининг камида 1/3 (учдан бир) қисмини ташкил этувчи Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси шу билан бирга Бошқарув аъзоси вазифасини бажарадиган юридик шахслар рўйхати.

Жамият Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзолари қуйидагиларни тақдим этиши шарт (Қонуннинг 85-моддаси, 8- ва 10-бандлар):

а) Жамият Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзоси ёки унинг яқин қариндошлари ижроия органи раҳбари – (Бошқарув раиси ёки директор) вазифасини бажарадиган юридик шахслар рўйхати;

б) Жамият Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзоси яқин қариндошлари билан биргаликда Кузатув кенгаши таркибининг камида 1/3 (учдан бир) қисмини ташкил этувчи юридик шахслар рўйхати.

Жамиятнинг бош (юқори) ташкилоти (агар Жамиятимиз бошқа юридик шахснинг шўъба хўжалик жамияти бўлган тақдирда) Жамиятнинг бош (юқори) ташкилотининг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахслар рўйхатини тақдим этиши зарур (Қонуннинг 85-моддаси, 5-банди);

хўжалик бирлашмаси (агар Жамият хўжалик бирлашмаси таркибига кирган тақдирда) Жамият билан бир хўжалик бирлашмаси таркибига кирган юридик шахсларнинг рўйхатини тақдим этиши лозим (Қонуннинг 85-моддаси, 5-банди).

18. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси сўровларга жавоблар олингандан кейин тақдим этилган маълумотлар асосида аффилиланган шахсларнинг дастлабки рўйхатига қўшимчалар киритади ва Жамият аффилиланган шахсларининг яқуний рўйхатини шакллантиради.

19. Жамият аффилиланган шахсларининг яқуний рўйхати Ижроия органи раҳбари томонидан имзоланиши лозим, бу билан у рўйхатдан ўрин олган ахборотнинг ишончилигини тасдиқлайди.

20. Аффилиланган шахсларнинг рўйхати тасдиқлангандан кейин рўйхатнинг нусхалари Жамият аффилиланган шахсларининг яқуний рўйхатига киритилган шахсларга юборилади. Жамият аффилиланган шахсларининг рўйхати билан бир вақтнинг ўзида аффилиланган шахслар рўйхатидаги ахборотнинг ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек аффилиланган шахсларнинг, уларнинг яқин қариндошларининг ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахсларининг манфаатдорлиги бўлган кутилаётган битимлар ҳақида Жамиятни хабардор қилиш мажбурияти тўғрисида билдиришлар жўнатилади.

21. Жамият аффилиланган шахсларининг манфаатдорлиги бўлган битимларни аниқлаш учун Жамият ягона акциядори, Кузатув кенгаши аъзолари, жамият Ижроия органи аъзолари ва Жамиятнинг бошқа

аффилланган шахслари – юридик шахслар шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этиши зарур:

а) ўзларининг (битимнинг иккинчи тарафи бўлиши мумкин бўлган) аффилланган шахслари тўғрисида;

б) Жамият ягона акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахси 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (ҳар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

в) Жамият ягона акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахси ижроия органи вазифасини бажарадиган юридик шахслар тўғрисида (агар Жамият ягона акциядори ёки унинг аффилланган шахси ишончли бошқарувчи (бошқарув ташкилоти) бўлган тақдирда).

Жамиятимиз Кузатув кенгаши аъзолари шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этишади:

а) ўзларининг (Жамият билан тузиладиган битимнинг иккинчи тарафи бўлиши мумкин бўлган) яқин қариндошлари тўғрисида;

б) ўзларининг (Жамият билан тузиладиган битимнинг иккинчи тарафи бўлиши мумкин бўлган) аффилланган шахслари тўғрисида;

в) Жамият Кузатув кенгаши аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилланган шахслари 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (ҳар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

г) Жамият Кузатув кенгаши аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилланган шахслари ушбу юридик шахснинг Кузатув кенгаши аъзолари ҳисобланадиган юридик шахслар тўғрисида;

д) Жамият Кузатув кенгаши аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилланган шахслари ижроия органи аъзоси ваколатини амалга оширадиган юридик шахслар тўғрисида;

Жамиятимиз ижроия органи аъзолари шунингдек, қуйидаги қўшимча ахборотни тақдим этишади:

а) ўзларининг яқин қариндошлари тўғрисида;

б) ўзларининг аффилланган шахслари тўғрисида;

в) Жамиятимиз ижроия органи аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилланган шахслари 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (ҳар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

г) Жамият ижроия органи аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилланган шахслари ушбу юридик шахснинг Кузатув кенгаши аъзолари ҳисобланадиган юридик шахслар тўғрисида;

д) Жамият ижроия органи аъзоси, унинг яқин қариндошлари ва (ёки)

унинг аффилланган шахслари ушбу юридик шахснинг ижроия органи аъзоси ваколатини амалга оширадиган юридик шахслар тўғрисида;

Жамиятнинг бошқа аффилланган шахслари – юридик шахслар (Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, Жамият бош (юқори) ташкилотининг шўъба корхоналари, Жамият билан бирга бир хўжалик бирлашмаси таркибига кирадиган юридик шахслар) шунингдек, қуйидаги кўшимча ахборотни тақдим этишади:

а) ўзларининг аффилланган шахслари тўғрисида;

б) Жамиятнинг аффилланган шахси ва (ёки) унинг аффилланган шахслари 20 (йигирма) фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (хар бири алоҳида ёки биргаликда) эгалик қиладиган юридик шахслар тўғрисида;

в) Жамиятнинг аффилланган шахси ва (ёки) унинг аффилланган шахслари ушбу юридик шахснинг ижроия органи вазифасини амалга оширадиган юридик шахслар тўғрисида (агар Жамиятнинг аффилланган шахси ва (ёки) унинг аффилланган шахслари ишончли бошқарувчи (бошқарув ташкилоти) бўлган тақдирда).

22. Аффилланган шахсларга, Жамиятнинг бош (юқори) ташкилотига ва Жамият таркибига кирадиган хўжалик бирлашмасига билдиришлар ва сўровлар Жамият аффилланган шахсларининг дастлабки рўйхати тузилган пайтдан эътиборан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай Жамият томонидан ёзма шаклда бериш тўғрисидаги билдириш билан буюртма хат орқали юборилади.

Жамиятнинг аффилланган шахсларига юбориладиган сўровда Жамият аффилланган шахсларининг аффилланган шахслар рўйхатини аниқлаш бўйича ахборотни тақдим этиш муддати, шунингдек уларнинг тегишли ахборотни тақдим этмаганлик учун жавобгарлиги кўрсатилади.

23. Жамиятнинг аффилланган шахслари Жамият томонидан сўралган ахборотни сўров олинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай Жамият манзилига бериш тўғрисидаги билдириш билан ёзма шаклда буюртма хат юбориш йўли билан тақдим этиши шарт.

Жамиятнинг аффилланган шахслари аффилланган шахслар рўйхатини аниқлаш ва тўлдириш учун ахборот тақдим этишни рад этган тақдирда, Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамиятнинг аффилланган шахсларини ёзма шаклда қуйидагилар тўғрисида огоҳлантиради:

Жамиятнинг аффилланган шахси Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ аффилланганлик асослари вужудга келган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай Жамиятни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт (Қонуннинг 105-моддаси).

Агар аффилланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборот тақдим

этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Жамиятга мулкӣ зарар етказилган бўлса, аффилланган шахс Жамият олдида ўзи етказган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Жамиятнинг аффилланган шахслари аффилланган шахсларнинг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни келгусида аниқлаш учун кўшимча ахборот тақдим этишни рад этган тақдирда, Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамиятнинг аффилланган шахсларини ёзма шаклда қуйидагилар тўғрисида огоҳлантиради:

Аффилланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт (Қонуннинг 86-моддаси);

Жамиятнинг суд томонидан айби исботланган аффилланган шахси етказилган зарарнинг, Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилган битимни ва даъвои судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт (Қонуннинг 90-моддаси).

Аффилланган шахслар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш

26. Аффилланган шахслар рўйхатига ушбу Тартибнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда ўзгартиришлар киритилади.

27. Ушбу Тартибнинг 13-бандида кўрсатилган ҳужжатлар Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш учун асос ҳисобланади.

28. Жамиятнинг аффилланган шахслари ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборотдан ушбу ўзгартиришлар вужудга келган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай жамият манзилига бериш тўғрисидаги билдириш билан буюртма хат юбориш йўли билан Жамиятни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

29. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамият бухгалтерияси билан қуйидаги рўйхатлардаги ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборотни хар чоракда солиштирувни амалга ошириши шарт:

Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятлари рўйхатидаги;

Жамиятнинг тобе хўжалик жамиятлари рўйхатидаги;

Жамият ягона акциядори (20 фоиз) бўлган юридик шахслар рўйхатидаги.

30. Жамият ижроия органи Жамиятнинг аффилланган шахсларига боғлиқ бўлган ва Ижроия органига келиб тушган қуйидаги ахборотни ўз вақтида Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли

тузилмавий бўлинмаси эътиборига етказилишини таъминлайди:

Инвесторлар (акциялар эгалари)нинг мустақил равишда ёки аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида Жамият устав капиталининг жами 20 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақида;

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия органи аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида;

Жамият бош (юқори) ташкилотининг шўъба корхоналари рўйхатидаги ўзгартиришлар тўғрисида (Жамиятимиз шўъба корхонаси бўлган ҳолларда);

Жамият таркибига кирадиган хўжалик бирлашмасининг иштирокчилари таркибидаги ўзгартиришлар тўғрисида;

Жамиятнинг аффилиланган шахсларига боғлиқ бўлган бошқа ахборотлар тўғрисида.

31. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси аффилиланган шахслар рўйхатига маълумотлар (шу жумладан, ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар) киритишни талаб этувчи факт унга маълум бўлган пайдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечикмаган муддатда кўрсатилган рўйхатга тегишли маълумотлар (ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар)ни киритиши шарт.

IV. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ТУЗИЛАДИГАН БИТИМЛАРИ

32. Жамият аффилиланган шахсларининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларга қуйидаги битимлар киради, уларда:

а) ягона акциядор, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси ва ижроия органи аъзоси, уларнинг яқин қариндошлари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахслари битимнинг иккинчи тарафи, наф олувчи, воситачи ёки битимдаги вакил ҳисобланади;

б) жамиятнинг бошқа аффилиланган шахслари ёки уларнинг аффилиланган шахслари битимнинг иккинчи тарафи, наф олувчи, воситачи ёки битимдаги вакил ҳисобланади.

Аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни аниқлаш

33. Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан битимларини аниқлаш қуйидагича амалга оширилади:

Жамият аффилиланган шахсларининг ўзининг билдиришлари асосида;
аффилиланган шахс иштирокида тузилиши кутилаётган битим тарафларининг билдиришлари асосида;

жамият томонидан тузиладиган шартномаларнинг экспертизаси натижасида.

34. Аффилиланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилиланган

эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт (Қонуннинг 86-моддаси).

35. Аффилланган шахс иштирокида тузилиши кутилаётган битим тарафи ҳам шунингдек, Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

36. Жамият ижроия органи раҳбари шунингдек, Жамият аффилланган шахсларининг манфаатдорлиги бўлган тузилаётган шартномаларни аниқлаш бўйича ишни ташкил этиши шарт.

Жамият номидан шартномалар тузишда иштирок этадиган Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари Жамият аффилланган шахсларининг манфаатдорлиги борлигини аниқлаш бўйича Жамият томонидан тузилаётган барча шартномалар экспертизасини ўтказишлари зарур.

37. Жамият номидан шартномалар тузишга жалб этилган Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари шартномалар экспертизасини ўтказишда қуйидагиларни текширишади:

шартномани кўриб чиқиш санасида Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатига киритилган аффилланган шахснинг ўзи ёки унинг ишончли бошқарувчиси шартнома тарафи ёки наф олувчи бўлиб ҳисобланадими;

шартномани кўриб чиқиш санасида Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатига киритилган аффилланган шахснинг ўзи битимда вакил ёки воситачи бўлиб иштирок этадими;

Жамиятнинг аффилланган шахсининг ўзи, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилланган шахслари битимнинг бошқа тарафи, наф олувчи, битимда воситачи ёки вакил бўлиб ҳисобланадими;

Жамиятнинг аффилланган шахсининг ўзи, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилланган шахслари (ҳар бири алоҳида ёки биргаликда) ушбу юридик шахснинг 20 ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) эгалик қиладиган юридик шахс битимнинг бошқа тарафи, наф олувчи, битимда воситачи ёки вакил бўлиб ҳисобланадими;

Жамиятнинг аффилланган шахсининг ўзи, унинг яқин қариндошлари ва (ёки) унинг аффилланган шахслари ушбу юридик шахснинг бошқарув органларида (шунингдек, ушбу юридик шахс ишончли бошқарувчисининг бошқарув органларида) лавозим эгаллаган юридик шахс битимнинг бошқа

тарафи, наф олувчи, битимда воситачи ёки вакил бўлиб ҳисобланадими.

38. Жамиятнинг экспертиза ўтказётган тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари кўрсатилган фактлар аниқланганда, Жамият ижроия органи раҳбарига ушбу шартномани тузишда аффилланган шахснинг манфаатдорлиги бўлиши мумкинлиги тўғрисида билдиришнома тақдим этади. Билдиришномада битимни тузишда манфаатдорлиги бўлган аффилланган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки номи ҳамда унинг манфаатдорлиги асослари кўрсатиб ўтилиши зарур.

Аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиш

39. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларини ўрганиш қуйидаги асосларда амалга оширилади:

а) Жамият аффилланган шахси ўзининг кутилаётган битим тўғрисидаги ёзма билдириши асосида;

б) кутилаётган битим тарафининг ёзма билдириши асосида;

в) Жамиятнинг Жамият номидан шартномалар тузишга жалб этилган тузилмавий бўлинмаси раҳбарининг билдиришномаси асосида.

40. Жамият аффилланган шахси ўзининг аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида ёки Жамият тузилмавий бўлинмаси раҳбарининг билдиришномасида кўрсатилган Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузиладиган битими тўғрисидаги ахборот Жамият ижроия органи, Ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчи томонидан ўрганилади.

41. Жамият ижроия органи томонидан Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимларини ўрганиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссия ташкил этилади.

Комиссия таркибига Жамиятнинг қуйидаги ходимлари киради:

Юридик хизмат раҳбари;

Бош ҳисобчи;

Жамиятнинг тузилмавий бўлинма раҳбарлари;

Ички аудит хизмати раҳбари;

Корпоратив маслаҳатчи.

Жамиятнинг ижроия органи қарори билан Жамиятнинг бошқа ходимлари, шунингдек Жамият тафтиш комиссияси ва ташқи аудитор ушбу битимни ўрганишга қўшимча равишда жалб этилиши мумкин.

42. Жамиятнинг ижроия органи, Ички аудит хизмати ва Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси томонидан кутилаётган битимни ўрганиш ёзма билдириш ёки билдиришнома олингандан кейин 3 (уч) иш куни давомида амалга оширилади.

43. Жамиятнинг ижроия органи, Ички аудит хизмати ва Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси томонидан аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жихатлари ва унинг жамият фаолиятига таъсир кўрсатиш эҳтимоллиги кўзда тутилиши зарур.

44. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари Жамият Кузатув кенгашини аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари тўғрисидаги баённомани илова қилган ва аффилиланган шахснинг, аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришлари ёки Жамият тузилмавий бўлинмаси раҳбарининг Жамиятнинг аффилиланган шахс билан тузиладиган битими аниқланганлиги тўғрисидаги билдиришномаси Жамиятга келиб тушган санани кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

Аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллаш

45. Жамият Кузатув кенгаши аффилиланган шахс билан тузиладиган битим бўйича ахборот ва ҳужжатларни кўриб чиқади ва аффилиланган шахснинг, аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришлари ёки Жамият тузилмавий бўлинмаси раҳбарининг Жамиятнинг аффилиланган шахс билан тузиладиган битими аниқланганлиги тўғрисидаги билдиришномаси Жамиятга келиб тушган санадан 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

46. Жамият Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзолари ушбу битим бўйича аффилиланган шахслар ҳисобланган тақдирда, битим бўйича қарор ягона акциядор томонидан Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қабул қилинади.

47. Жамиятнинг аффилиланган шахси Жамият Кузатув кенгаши ёки ягона акциядор томонидан ушбу битим бўйича қарор қабул қилишда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Жамият томонидан ушбу битим тузилишида манфаатдор бўлган Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда овоз бермайдилар.

48. Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

49. Жамиятнинг ижроия органи тузилиши кутилаётган битим тарафини аффилиланган шахс билан тузилаётган битим бўйича қабул қилинган қарор ҳақида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилади.

50. Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим айна бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига Қонунда белгиланган йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этса, қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этса ва Кузатув кенгашининг икки аъзоси битимдан манфаатдор ҳисобланса, қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиғини ташкил этса, қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

51. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки ягона акциядор аффилланган шахс билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида ягона акциядорнинг кейинги йиллик йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

52. Ягона акциядор Ижроия органининг аффилланган шахслар билан битимларни мустақил тузиши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар рўйхатини (битимларнинг характерини, уларнинг энг кўп миқдорини) аниқлайди.

Аффилланган шахслар билан битимлар тузишдаги истиснолар

53. Ушбу Тартиб қуйидагиларга нисбатан тадбиқ этилмайди:

а) Жамият айна бир вақтда Бошқарув раиси бўлган бир акциядордан ташкил топган даврда;

б) Жамиятнинг ягона акциядори тузилишидан манфаатдор бўлган битимларга;

в) Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун тузиладиган битимларга, агар қонун ҳужжатларига кўра реализация қилишнинг махсус тартиби белгиланадиган монопол маҳсулот, моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари битим предмети бўлса;

г) биржа ва кимошди савдолари орқали тузиладиган битимларга, агар Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, шунингдек Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот битим предмети бўлса;

д) Жамият томонидан жойлаштирилаётган қимматли қоғозларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга оширишда;

е) Жамият жойлаштирилган акцияларни олганда;

ж) Жамиятни қайта ташкил этишга доир тартиб-таомилларни амалга

оширишда;

- з) акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштиришда;
- и) қимматли қоғозларни қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида реализация қилишда;
- к) Жамият ва аффилиланган шахс ўртасидаги битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида Жамият Кузатув кенгашининг ёки ягона акциядорнинг белгиланган тартибда олдиндан қабул қилинган қарори мавжуд бўлганда.

Аффилиланган шахс билан тузилган битим бўйича низолашиш

54. Аффилиланган шахс билан тузилган битим бўйича Жамият ягона акциядори мазкур битимни маъқуллаш ҳақида қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда низолашиши мумкин.

55. Жамият ягона акциядорнинг талабига кўра 3 (уч) иш куни ичида ягона акциядорга аффилиланган шахс билан тузилаётган битим ҳақида Жамиятнинг ижроия органи раҳбари томонидан имзоланган тегишли ахборотни:

а) аффилиланган шахс, аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафи ёзма билдиришининг ёки Жамият тузилмавий бўлинмаси раҳбари билдиришномасининг;

б) битимни ўрганиш натижаси баённомасининг;

в) битимни маъқуллаш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг;

г) тегишли шартноманинг, агар у тузилган бўлса, кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

Жамият ягона акциядорнинг талабига кўра ягона акциядорга аффилиланган шахс билан тузилаётган битимга тааллуқли бўлган бошқа ахборотни ҳам тақдим этиши мумкин.

56. Аффилиланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ягона акциядор ўша битимни ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан бевосита ваколатли давлат органлари орқали судга мурожаат қилишга ҳақли.

57. Аффилиланган шахс билан тузилган битим қуйидаги ҳолларда суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

а) Қонунда битим тузиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилмаганда;

б) битимни Жамият учун зарарли деб топишга доир асослар мавжуд бўлганда;

в) битимни тузишда манфаатлар қарама-қаршилиги мавжуд бўлганда;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар мавжуд

бўлганда.

58. Аффилланган шахс билан тузилган битим куйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас:

а) аффилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилган акциядорнинг овоз бериши акциядорларнинг ушбу битимни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинган умумий йиғилишида унинг иштирок этишидан ёки иштирок этмаслигидан қатъи назар, овоз бериш натижаларига таъсир кўрсатмаса;

б) мазкур битимнинг тузилиши Жамиятга ёки даъво билан судга мурожаат қилган акциядорга зарар етказилишига сабаб бўлганлиги ёки зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкинлиги исботланмаган бўлса;

в) мазкур битим бўйича зарарлар битим тарафларининг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг (форс-мажор ҳолатларнинг) натижаси бўлганлиги исботланган бўлса;

г) мазкур битимнинг Қонунда назарда тутилган тартибда кейинчалик маъқулланганлиги далиллари ишни судда кўриб чиқиш пайтида тақдим этилган бўлса.

59. Агар аффилланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Жамиятга мулкӣ зарар етказилган бўлса, аффилланган шахс Жамият олдида ўзи етказган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

60. Жамиятнинг суд томонидан айби исботланган аффилланган шахси етказилган зарарнинг, Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилган битимни ва даъвони судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

V. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР ТУЗИШ ТАРТИБИГА РИОЯ ЭТИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ

61. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш Ички аудит хизмати ва Жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

62. Жамият ички аудит хизмати Жамиятнинг молия-хўжалик операцияларини мунтазам равишда текширишда ва Жамиятнинг аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимини Жамият ижроия органи билан биргаликда ўрганишда Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига риоя этилиши бўйича жорий назоратни амалга оширади.

Ички аудит хизмати томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Тартибда белгиланган тартибда уларнинг маъқуллашисиз аффилланган шахслар билан битимлар тузиш фактлари аниқланганда, Ички аудит хизмати раҳбари аниқланган фактлар ҳақида Кузатув кенгашига (Кузатув кенгашининг аудит бўйича кўмитасига, молия-хўжалик операцияларини назорат қилиш бўйича

масъул Кузатув кенгаши аъзосига) ва Ижроия органи раҳбарига ҳисобот беради.

Жамиятнинг бошқарув органлари тартибга риоя этмаган айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўради.

63. Жамият тафтиш комиссияси Жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига риоя этилишини келгусида назорат қилинишини амалга оширади.

64. Жамият тафтиш комиссияси ҳисобот чорагида Жамият томонидан тузилган шартномаларни ҳар чорақда ўрганади, ҳисобот чорагида Жамиятда аффилланган шахслар билан битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг (шу жумладан, ушбу Тартибнинг) бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлайди.

Жамият тафтиш комиссиясининг ушбу хулосаси ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқилади.

65. Тафтиш комиссияси томонидан Жамиятнинг бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширишда Тафтиш комиссияси шунингдек, текширилаётган даврда Жамиятда аффилланган шахслар билан битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг (шу жумладан, ушбу Тартибнинг) бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлайди.

66. Жамият Тафтиш комиссиясининг йил яқунлари бўйича аффилланган шахслар билан битимлар тўғрисидаги хулосаси ягона акциядор йиғилишида эшитилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг молия-хўжалик фаолиятини текширишнинг бошқа давридаги аффилланган шахслар билан битимлар тўғрисидаги хулосаси Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқилади.

67. Жамият тафтиш комиссияси Ижроия органи томонидан Кузатув кенгашининг ёки ягона акциядор тегишли қарорисиз аффилланган шахслар билан тузилган битимларни ёки Ижроия органи томонидан ўрганишда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар деб эътироф этилмаган, бироқ аслида шундай битим бўлганлигини аниқлаган ҳолларда Тафтиш комиссияси дарҳол Кузатув кенгаши раисини хабардор қилади.

VI. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

68. Жамиятнинг аффилланган шахси қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда, аффилланганлик асоси юзага келган пайдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда Жамиятни ўзининг аффилланганлиги тўғрисида хабардор этиши шарт.

69. Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланган юридик шахслар тўғрисидаги хабар аффилланган шахслар тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

тўлиқ номи;

ташкилий-ҳуқуқий шакли;

жойлашган жойи ва почта манзили, шунингдек мавжуд бўлганда электрон почта манзили ва веб-сайти;

солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);

улар Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланишининг асоси;

улар Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланишининг санаси;

Жамиятнинг уларга тегишли бўлган овоз берувчи акциялари сони, тури ва фоизи;

таъсис ҳужжати нусхаси.

70. Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланган жисмоний шахслар тўғрисидаги хабар аффилланган шахслар тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

фамилияси, исми, отасининг исми;

яшаш жойи, шунингдек мавжуд бўлганда электрон почта манзили;

солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);

улар Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланишининг асоси;

улар Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланишининг санаси;

Жамиятнинг уларга тегишли бўлган овоз берувчи акциялари сони, тури ва фоизи;

шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси.

Аффилланган шахс шунингдек, Жамиятга унинг сўрови бўйича ва ушбу Тартибга мувофиқ бошқа ахборотни тақдим этиши шарт.

71. Аффилланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

72. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ инвестор (акциялар эгаси) мустақил равишда ёки аффилланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида Жамият акцияларининг Жамият устав фондининг жами 20 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни ошкор қилиши шарт.

Кўрсатилган ахборотни ошкор қилиш битим (битимлар) тузилган кундан 2 (икки) иш куни мобайнида республика газетаси ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

73. Жамият аффилланган шахслар ва аффилланган шахслар билан битимлар тўғрисидаги ахборотни:

йиллик ҳисоботда;

муҳим фактлар ҳақидаги хабарларда ошкор этади.

74. Жамият ҳар йили аффилланган шахслар рўйхатини ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қилиши шарт.

75. Ҳисобот йили якунидаги ҳолатга кўра аффилланган шахслар рўйхати Жамият йиллик ҳисоботининг қисми ҳисобланади.

Ҳисобот йилида аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари ҳамда қарор қабул қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Жамият йиллик ҳисоботининг бир қисми бўлади.

Жамият йиллик ҳисоботни ягона акциядорнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилганидан кейин 2 (икки) ҳафта давомида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш йўли билан ушбу Тартибнинг 3-иловасига мувофиқ ошкор этиши шарт.

76. Аффилланган шахслар рўйхатига ўзгартиришлар киритилганда, Жамият бу ҳақидаги ахборотни ушбу Тартибнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги 36-муҳим фактда ошкор этади.

77. “Аффилланган шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар” – 36-муҳим факт тўғрисидаги хабар муҳим факт юз берган санадан эътиборан 2 (икки) иш куни ичида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этилади.

Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, Жамият томонидан аффилланган шахслар рўйхатига тегишли ўзгариш киритилган сана ҳисобланади.

78. Аффилланган шахс билан битим тузилганда, Жамият бу ҳақдаги ахборотни ушбу Тартибнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги “Аффилланган шахс билан битим тузилиши” тўғрисидаги - 21-муҳим фактда ошкор этади.

79. “Аффилланган шахс билан битим тузилиши” муҳим факти тўғрисидаги хабар муҳим факт юз берган санадан эътиборан 2 (икки) иш куни ичида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этилади.

Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, Жамиятнинг аффилланган шахс

билан битим тузган санаси ҳисобланади.

80. Жамият Жамият ягона акциядорининг талабига кўра 3 (уч) иш куни ичида уларга аффилланган шахс билан тузилган битим тўғрисидаги тегишли ахборотни тақдим этиши шарт.

81. Жамият қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг талабига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

VII. АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИНИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАРИ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

82. Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати (шу жумладан, рўйхатга киритилган ўзгаришлар) Жамиятнинг ички ҳужжати ҳисобланади ва Жамиятнинг жойлашган ерида сақланади.

83. Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати доимий сақланадиган ҳужжат ҳисобланади.

84. Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати Жамиятнинг тижорат сирига, инсайдер ахборотга ёки Жамиятнинг бошқа махфий ахборотларига тааллуқли ахборот ҳисобланмайди.

Ушбу рўйхатдан ўрин олган ахборот, шунингдек аффилланган шахслар рўйхатининг ўзи учинчи шахсларга уларнинг шундай ахборот билан танишиш зарурати асослари кўрсатилган ёзма сўровига асосан тақдим этилиши мумкин. Жамият ахборот сўрови Жамият билан тузилган битимга тааллуқли бўлмаган ҳолларда, ушбу ахборотни, шунингдек аффилланган шахслар рўйхатини танишиб чиқиш учун тақдим этишни рад этишга ҳақли.

85. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ҳужжатлар ҳам Жамиятнинг жойлашган ерида сақланади.

Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ҳужжатлар улар тузилган молиявий йил тугагандан кейин Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни яқунлаш шарти билан 3 (уч) йил давомида сақланади

86. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ҳужжатлар махфий ахборот ҳисобланади.

87. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ахборот ва ҳужжатлар Жамият ягона акциядорининг талабига кўра Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилади.

88. Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимларига доир ҳужжатлар ваколатли давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

VIII. ЖАВОБГАРЛИК

89. Жамиятнинг аффилланган шахси:

а) Жамиятга ўзининг аффилланганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этмаганлиги учун;

б) Жамият аффилланган шахсининг манфаатдорлиги бўлган кутилаётган битим тўғрисида Жамиятни хабардор этмаганлиги учун жавобгар бўлади.

90. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамиятнинг аффилланган шахсларини ҳисобга олишни ташкил этиш ва Жамиятнинг аффилланган шахслари ва аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ҳақидаги ахборотни ўз вақтида ошкор этиш бўйича жавобгар ҳисобланади.

91. Аффилланган шахс билан тузилган битимни ўрганишни амалга оширган шахслар битим бўйича хулоса ва яқунларнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

92. Жамият ижроия органи аффилланган шахслар билан битимларни тузиш тартибига риоя этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

93. Шунингдек, Жамият Кузатув кенгаши ҳам аффилланган шахслар билан битимларни тузиш тартибига риоя этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

94. Жамият Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳақидаги, Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ва Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузилган битимлари ҳақидаги ахборотнинг ўз вақтида ошкор этилиши учун қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

95. Агар аффилланган шахс:

а) Жамиятни ўзининг аффилланганлиги тўғрисида хабар қилмаса ёки ўз вақтида хабардор қилмаса;

б) аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тўғрисида хабардор қилмаса, Жамият аффилланган шахслар билан битимларни тузиш тартибининг бузилиши учун жавобгар ҳисобланмайди.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

96. Ушбу Тартиб Жамият ягона акциядори қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

97. Ушбу Тартибга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Тартибга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ягона

акциядор қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

98. Агар ушбу Тартибнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Тартибга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.

АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИ				
N	Юридик шахс номи, жисмоний шахс Ф.И.Ш.	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффилиланган шахс деб эътироф этилиш асоси	Асос(лар) содир этилган сана
1				
2				

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (ўзгаришлар киритилган санадаги ҳолатга кўра)				
N	Юридик шахс номи, жисмоний шахс Ф.И.Ш.	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффилиланган шахс деб эътироф этилиш асоси	Асос(лар) содир этилган сана
1				
2				

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

Эмитентнинг _____ йил якунлари бўйича
ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ

ҲИСОБОТ ЙИЛИДА АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ТУЗИЛГАН БИТИМЛАР РЎЙҲАТИ							
15.	N	Битим тузилган сана	Контрагентнинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи	Битим предмети	Суммаси	Эмитентнинг битимлар бўйича қарор қабул қилган органи	Битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифи
	1						
	2						
АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР РЎЙҲАТИ (ҳисобот йилининг якуни ҳолатига)							
16.	N	Юридик шахс номи, жисмоний шахс Ф.И.Ш.	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффилиланган шахс деб эътироф этилиш асоси	Асос(лар) содир этил- ган сана		
	1						
	2						

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

36-сон муҳим факти
АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ					
1.	Тўлиқ:				
	Қисқартирилган:				
	Биржа тикерининг номи:				
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ					
2.	Жойлашган ери:				
	Почта манзили:				
	Электрон почта манзили:				
	Расмий веб-сайти:				
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ					
Муҳим фактнинг рақами:			36		
Муҳим фактнинг номи:			Аффиланган шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар		
3.	Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг тўлиқ номи	Аффиланган шахснинг жойлашган ери (почта манзили), яшаш жойи (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Қимматли қоғозларнинг сони (пай, улушларнинг миқдори)	Қимматли қоғозларнинг тури	Ҳолат тури
Эмитент томонидан аффиланган шахслар рўйхатига тегишли ўзгариш киритилган сана:					
Аффиланган шахслар рўйхати:					
N	Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг тўлиқ номи	Жойлашган ери (яшаш жойи) (давлат, вилоят, шаҳар, туман)	Улар аффиланган шахс деб эътироф этилиш асоси	Асос(лар) содир этилган сана	
1.					
2.					

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

21-сон мухим факти
АФФИЛЛАНГАН ШАХС БИЛАН БИТИМ ТУЗИЛИШИ

1.	ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ	
	Тўлиқ:	
	Қискартирилган:	
	Биржа тикерининг номи:	
2.	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ	
	Жойлашган ери:	
	Почта манзили:	
	Электрон почта манзили:	
	Расмий веб-сайти:	
3.	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ	
	Мухим фактнинг рақами:	21
	Мухим фактнинг номи:	Аффилланган шахс билан битим тузилиши
	Контрагентнинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи:	
	Контрагентнинг жойлашган ери (почта манзили):	
	Аффилланган шахснинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи:	
	Аффилланган шахснинг жойлашган ери:	
	Эмитентнинг битим бўйича қарор қабул қилган органи:	
	Қарор қабул қилинган сана:	
	Битим суммаси (сўмда):	
	Битим тузилган сана:	
	Битим тури:	
	Битим предмети:	
Битим бўйича эмитент ким ҳисобланади:	Олувчи Бегоналаштирувчи	

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____ :